

оширилади. Хисобга олиш приборларига эга булмаган «Истеъмолчи» га бериладиги иссиқлик-энергияси микдори хисоб буйича шартномавий нағрузкаларга мувофиқ амалга оширилади

4. ИССИҚЛИК ЭПЕРГИЯСИНИ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1 Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

Иссиқлик энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртномада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. «Таъминотчи» буюртномаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртномани бекор қилишга ёки ундаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминот»чини буюртманомаларда курсатилган сана бошланишидан камида 10 кун олдин хабардор қилади.

5. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» ни огоҳлантириб қуйидаги ҳолларда унга иссиқлик энергияси беришни тулик ёки қисман тухтатади:

Иссиқлик энергияси учун тулов шартнома буйича белгиланган муддатларда ҳақ туланмаганда (истеъмолчи иссиқлик энергияси бериш тухтатилишидан огоҳлантирилган тақдирда);

«Истеъмолчи, субабонентлар томонидан янги иссиқлик энергияси нағрузкалари, цехлар ва қурилмаларининг ёки уларнинг алоҳида қисмларининг иссиқлик энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганида ва иситилаётган биноси қузғи-қишғи мавсумга тайёр булмаган ҳолда;

Иссиқлик энергияси истеъмоли тизимлари «Уздавэнергоназорат» агентлигининг ва «Иссиқлик манбаи» ОАЖ инспектори иштирокисиз фойдаланишга топширилганда;

Хисобга олиш приборлари урнатилгунга қадар иссиқлик энергияси истеъмоли тизимларига қушилганда;

Иссиқлик энергияси исрофгарчилик билан истеъмол қилинганда, уни талонтароҳ қилиш, тармоқдаги сувнинг оқиши ва ифлосланишига йул қуйилганда. Иссиқлик энергияси истеъмоли тизимлари авария ҳавфини тугдирадиган ёки хизмат курсатувчи ходимларнинг ҳаётига ҳавф соладиган даражада қоникарсиз ҳолатга келтирилганда;

«Истеъмолчи» иссиқлик энергияси истеъмоли тизимини ёки иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборлари тамгаларини узиб қуйганда.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилган иссиқлик энергияси сифати шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» иссиқлик энергиясини қабул қилиш ҳамда унинг ҳақини тулаши рад этиб, «Таъминотчи» дан сифати ва микдори лозим даражада булмаган иссиқлик энергияси қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар иссиқлик энергияси ҳақи тулаб қуйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни «Таъминотчи» дан талаб қилишга ҳақлидир. Бунда «Истеъмолчи» мазкур шартноманинг 2.1 бандида курсатилган ҳуқуқларидан фойдаланганлигидан қатъий назар «Таъминотчи» томонидан жарима туланади.

6.2. Иссиқлик энергияси етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган иссиқлик энергияси қийматининг 20 фоизи микдорида жарима туланиди. Жаримадан ташқари «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га иссиқлик энергияси берилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ҳам қоплайди.

6.3. Иссиқлик энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган ҳолларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмалиги керак. Пеня туланиши «Таъминотчи»ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва иссиқлик энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.4. Ушбу шартномада курсатилган иссиқлик энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг- 0,4 % микдорида аммо кечиктирган тулов суммасининг 50 фоиздан ортиқ булмаган микдорда ўзининг махсус ҳисобрақамидан пеня тулайди.

6.5. Буюртма буйича етказиб берилаётган иссиқлик энергиясини «Истеъмолчи» томонидан асосиз рад этиш натижасида етказилган зарар истеъмолчи томонидан «Таъминотчи» га тулик туланиши шарт.

6.6. Ушбу шартнома назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади .